“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”
MARKAZI

2026

OʻZBEKISTON
2030

# “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ” ЙИЛИДА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРЛАРИ ВА “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ДАСТУРИ

O'ZBEKISTON 2030

# “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ” ЙИЛИДА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРЛАРИ

I. МАҲАЛЛА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРГА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИНИ ОЛИБ КИРИШ

II. ИҚТИСОДИЁТНИ ТЕХНОЛОГИК ВА ИННОВАЦИОН ЎСИШ МОДЕЛИГА ЎТКАЗИШ ҲАМДА ИЧКИ БОЗОРДА ТАЛАБНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

III.КАСБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕҲНАТ БОЗОРИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ЯРАТИШ

IV. ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

V. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЖАМИЯТДА БИРДАМЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ УНИ ЮКСАЛТИРИШ



# I. МАҲАЛЛА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРГА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИНИ ОЛИБ КИРИШ

**Маҳаллада саноат ва хизмат кўрсатиш** лойиҳаси амалга оширилади.

Tadbirkorlikni Rivojlantirish Kompaniyasi

Маҳаллалар ҳудудида ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш учун **кредит маблағларини ажратишга жами 5 триллион сўм** маблағлар йўналтирилади.

Кредит фоизининг миллий валютада **10 фоизгача**

хорижий валютада **4 фоизгача** бўлган қисми

**"Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси"** АЖ томонидан қоплаб берилиши йўлга қўйилади.

**10 мингдан зиёд** ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари ишга туширилади.

Маҳаллаларда қўшимча **100 мингта янги иш ўрни** яратилади.

Маҳаллаларда аҳоли муаммоларини **“хонадонбай”** ўрганиш ва давлат органлари томонидан уларнинг ҳал этилишини **онлайн назорат қилиш** тартиби жорий этилади.






**100 дан** зиёд давлат органларининг аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги тўғридан-тўғри иштироки таъминланади.




**500 та** маҳаллада эксперимент тариқасида **“маҳалла еттилиги”** вакилларини уларнинг ўзи истиқомат қилаётган ва ёндош маҳалладан тайинлаш амалиёти жорий этилади.

Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига ҳар йили қўшимча равишда **200 миллиард сўм** маблағ ажратилади.




**Маҳаллани ривожлантириш миллий институти** ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **ҳудудий филиаллари ташкил этилади.**



Маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш учун **20 триллион сўм** маблағлар йўналтирилади.




Маҳаллалардаги масалаларни уларнинг ўзида фуқаролар иштирокида ҳал этиш бўйича **“Маҳаллам – лойиҳам”** дастури амалга оширилади.





Туманларнинг олис ҳудудларида жойлашган маҳаллалар аҳолиси учун **“бир қадам”** тамойили асосида

давлат, банк ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилади.



# II. ИҚТИСОДИЁТНИ ТЕХНОЛОГИК ВА ИННОВАЦИОН ЎСИШ МОДЕЛИГА ЎТКАЗИШ ҲАМДА ИЧКИ БОЗОРДА ТАЛАБНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

ЯИМ **167 млрд долларга** етказилади.

Ишсизлик **4,5 фоизгача туширилади.**

Иқтисодиётга **50,4 млрд АҚШ** доллари хорижий инвестиция жалб этилади.

**1 млн фуқаро** иш билан таъминланади, **263 минг оила** камбағалликдан чиқарилади.

Камбағаллик **2,8 фоизгача туширилади.**

Робототехника, "Индустрия 4.0", IoT ечимлари жорий этилади ва **"Тўртинчи саноат инқилоби маркази"** ташкил этилади.







Саноатда меҳнат унумдорлиги ва энергия самарадорлиги **икки баробар оширилади.**

**23 трлн сўм** ипотека кредитлари ажратиш орқали **73 мингдан ортиқ** оила уй-жой билан таъминланади.



Аҳолига **125 трлн сўм истеъмол кредитлари** ажратиш орқали ички талаб рағбатлантирилади.

Қурилиш ишлари ҳажми **30 млрд долларга** етказилади.



**Хизматлар бозори 100 млрд доллардан** оширилади.

Миллий авиапаркдаги ҳаво кемалари **120 тага** етказилади.




**Фуқаро авиацияси университети** ташкил этилади.

**500 км янги темир йўл** қурилиши бошланади ва тезюрар поездлар қатнови кенгайтирилади.



**4 минг км** магистрал йўллар **“автобан”** стандартларига ўтказилади.

Инфляция даражаси **6–6,5 фоиз** атрофида ушлаб турилади.

Бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан **3 фоиз даражада сақланади.**

# III.КАСБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕҲНАТ БОЗОРИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ЯРАТИШ

**2026/2027 ўқув йилидан** бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги **илғор касбий маҳорат техникумларида “Касблар шаҳарчалари”** ташкил этилади.



Ҳар бир ҳудуднинг саноат ихтисослашуви, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш хусусиятларидан келиб чиқиб,



**24 та малакани баҳолаш маркази ташкил этилади**

ва марказларда меҳнат бозорида долзарб бўлган камида иккита касб бўйича малака сертификати бериш амалиёти йўлга қўйилади.

**“Касбий ривожланиш платформаси”** ишга туширилиб,



аҳолига мустақил равишда **100 дан зиёд** касблар бўйича сертификат бериш тизими жорий этилади.

Олий таълим ташкилотларига кириш истагида бўлмаган ёшлар **техникумларга йўналтирилади.**



Масофавий ёки аралаш шаклларда ташкил этиладиган малака ошириш курслари улуши **22 фоизга** етказилади.

**400 минг** нафар банд бўлмаган шахслар ва камбағал оилаларнинг ишсиз аъзолари давлат ва нодавлат таълим муассасаларида касб-ҳунар, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишга жалб қилинади.




Техникум директори ва ўринбосарларига **менежерлик сертификати** бериш тизими йўлга қўйилади.

Техникум ўқувчилари ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун **“Янги Ўзбекистон бунёдкорлари”** касбий маҳорат миллий танлови ўтказилади.



Хитой тажрибаси асосида техникумларда Ўзбекистон – Хитой устахоналари ташкил этилади.



Германия, Швейцария, Хитой, Корея Республикаси ва Буюк Британия каби давлатларнинг халқаро таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган техникумлар рўйхати шакллантирилади. **8 минг** нафар ўқувчилар халқаро таълим дастурлари асосида техникумларда ўқитилади.



Техникумларда дуал таълимда таҳсил олаётган ўқувчиларга **стипендия тўлаш амалиёти** йўлга қўйилади.

Олий ва касбий таълим ташкилотлари талабалари ва битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи **“Карьера” электрон платформаси** ишга туширилади.



Техникум ўқувчиларини касбга ўргатиш учун ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватланади.





# IV. ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ



Атмосфера ҳавосини зарарлантирмайдиган ва экологик тоза автомобилларни сотиб олиш учун аҳолига **қулай шароитлар яратилади.**



Электромобилларни қувватлаш станциялари сонини кўпайтириш учун



ушбу соҳани **рағбатлантириш ислоҳотлари** амалга оширилади.



Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида **техникумлар фаолияти** йўлга қўйилади.



Атмосферага зарарли ташланмаларни чиқараётган корхоналарнинг **экологик тоза ускуналардан фойдаланиши рағбатлантирилади.**







Электромобилда такси хизмати кўрсатувчи фуқароларга **имтиёзлар жорий этилади.**

Тошкент шаҳрида шамол режими параметрларининг вақт-макон тақсимоти баҳоланади ва **рақамли хариталаш тизимини ишлаб чиқиш** бўйича тадқиқотлар ўтказилади.






**1,3 минг** километр йирик магистрал каналлар, шу жумладан, суғориш тармоқлари ва ирригация объектлари бетонлаштирилади.



Эксперимент тарзида ҳудудларда каналларни босимли **қувурга ўтказиш бўйича** лойиҳа амалга оширилади.

Ҳудудларда очиқ дренаж ва коллекторларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича алоҳида **дастур** қабул қилиниб амалга оширилади.



Тошкент шаҳридаги дренаж ва ёмғир суви инфратузилмаси тубдан **янгиланади.**

# V. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЖАМИЯТДА БИРДАМЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ УНИ ЮКСАЛТИРИШ

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги жамланма шаклда кўрсатиладиган хизматлар **100 тага** етказилади.




Давлат хизматларини кўрсатиш **асоссиз рад этилганда,** ундирилган **тўловни қайтариб бериш** амалиёти йўлга қўйилади.



Жиноят ишлари бўйича суд процессларини **халқ вакиллари ҳайъати** (jury) иштирокида ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади.

Жиноят ишларида **“Хабеас корпус”** институти доирасида **тергов судьяларига қамоққа олиш, уй қамоғи тарзидаги** ва бошқа эҳтиёт чораларини **ўзгартириш ва бекор қилиш** ваколати берилади.



Суд ишларини юритишда ҳимоя институти такомиллаштирилади.



Жиноят ишини судга юборишда айблов хулосаси билан бирга **“ҳимоя фикри”**ни тақдим этиш тартиби жорий этилади.



2026 йил давомида камида **32 та давлат органлари ва ташкилотларида** комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосарлар фаолияти йўлга қўйилади.



Соҳалар ва ҳудудлар кесимида **коррупциявий хавфлар харитаси** (картограмма) яратилади.



Коррупцияга қарши курашиш **медиа-портали** ташкил этилади.



**"Коррупциясиз, ҳалол ва ошкора бизнес — Ўзбекистон барқарор ривожланишининг асоси" (Тоза бизнес)** миллий дастури ишга туширилади.



"Ўзбекистон бизнесининг коррупцияга қарши курашиш хартияси" **электрон платформаси ишга туширилади** ва хартия иштирокчилари учун **рағбатлантириш ва имтиёзлар** тизими **жорий этилади.**



**“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”**ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинади.

**14 ёшга тўлмаган шахсларга** нисбатан содир этилган жинсий жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум этишгача бўлган жазо чоралари белгиланади.






Вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жинсий ва зўравонликка оид жиноятларни тергов қилиш **прокуратура органлари** ваколатига ўтказилади.



Вояга етмаган шахслар ва **хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик** билан боғлиқ ишларни тергов қилиш ва кўриш **махсус тайёргарликдан ўтган терговчи ва судьялар томонидан амалга оширилиши** йўлга қўйилади.



Мажбурий ижро органлари фаолиятига **сунъий интеллект технологияларини** жорий этиш ва ижро ҳужжатлари ундируви инсон омилисиз амалга оширилишини таъминлаш амалиёти йўлга қўйилади.



**“Жамиятдаги фаолликни рағбатлантириш”** лойиҳаси амалга оширилади.

OʻZBEKISTON
2030

# “ЎЗБЕКИСТОН–2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ

## I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

## II. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

## III. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

## IV. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

## V. “ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ” ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН СИЁСАТНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

# I. ҲАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР



Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари **ўқув-методик қўлланмалар** ва дидактик материаллар билан таъминланади.





Мактабгача таълим билан қамров амалдаги **78 фоиз** даражасида сақлаб қолинади.




**1 500 та** оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилади.



Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактабларнинг баҳолаш тизими жорий этилган умумий ўрта таълим муассасалари улуши **4 500 тага** оширилади.



Умумий ўрта таълим муассасаларига жалб этилган хорижий мутахассислар сони **2 минг** нафарга етказилади.





Умумтаълим мактаблари **1 000 та** компьютер синфи ҳамда **6 300 та** интерактив доска билан таъминланади.



**120 минг** нафар тарбиячи ва ўқитувчилар малакаси оширилади.



**150 нафар** тарбиячи ва ўқитувчилар хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юборилади.



Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари сони **800 тага** етказилади.



Олий таълим ташкилотларида **12 110 ўринли** талабалар турар жойлари ва **4 000 ўринли** ўқув бинолари қурилади.



Олий таълим ташкилотлари Ахборот-ресурс марказлари кутубхона фонди **220 000 мингта** замонавий адабиётлар билан тўлдирилади.



Халқаро маълумотлар базаларида индексланувчи журналларда илмий-тадқиқот ишлари натижаларини нашр этган ёш олимлар **қўллаб-қувватланади.**







18–40 ёшли **11,0 млн нафар** аҳоли профилактик кўрикдан ўтказилади.



**7,3 млн нафар** 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида энг кўп учрайдиган юрак-қон томир, қандли диабет, сил касалликлари хавфини аниқлаш мақсадида профилактик тиббий кўриклар ўтказилади.



**5,6 млн нафар** болалар 13 турдаги вакциналар билан бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши эмланади.

Оилавий шифокорлар тайёргарлигини ошириш мақсадида илғор стандартларга мувофиқ оилавий тиббиёт йўналишида бир йиллик интернатура жорий этилади.

Ирсий касалликлар билан касалланган болалар дори воситалари, тиббий жиҳозлар ва шифобахш озуқалар билан **100 фоиз** таъминланади.

**3-18 ёшли 10 млн** болалар учун оммавий ва селектив скрининг ўтказилади.

Туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёлларга ҳамда болаларга **7 турдаги** витаминлар, йод ва фолий кислотаси бепул тарқатилади.

6–23 ойлик бўлган жами **1,2 млн** нафар болалар микронутриент кукуни билан бепул таъминланади.

**6 млн нафар 2–10 ёшдаги**



болалар гелминтоз **профилактикаси бўйича махсус препаратлар ҳамда 8,8 миллион** нафар **3–15 ёшдаги** болалар йод препарати билан бепул таъминланади.



Йилига **700 минг** аёллар бачадон бўйни саратони ва **1,7 млн** аёллар кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш бўйича мақсадли скринингдан ўтказилади.



Ҳар йили **60** ва ундан катта ёшдаги аҳоли соғломлаштирилади.

Республиканинг **10 та** туман ва шаҳарларида ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти йўлга қўйилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳит ва тўсиқсиз ҳаракатланиш имконияти яратилади.

Болаларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсларнинг болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланиши тақиқланади.



**200 нафар** кўп болали (тўрт ва ундан ортиқ), кам таъминланган оилалардан бўлган аёллар санаторийларда бепул соғломлаштирилади.

**124 254 нафар**
хотин-қизлар касб-ҳунарга ўқитилади.



**210 242 нафар**
хотин-қизларнинг ишга жойлашишига кўмаклашилади.

**43 620 нафар** хотин-қизлар тадбиркорликка ўқитилади.





**1 091 та** маҳаллада

давлат-хусусий шериклик асосида



ёки касб-ҳунар ўргатиш фаолияти билан белгиланган тартибда шуғулланувчи ташаббускор тадбиркорлар биноларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари ташкил этилади.

Ахборот технологиялари соҳасида **100 минг нафар** хотин-қизлар саводхонлиги оширилади.



Хотин-қизлар ўртасида **“Ҳудуднинг энг яхши 100 та инновацион лойиҳалари”** танлови ўтказилади.



Каштачи ва дизайнерлар ўртасида **“Ипак-кашта жилоси”** республика танлови ўтказилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ва нуронийлар ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уруш орти меҳнат фахрийлари ҳолидан мунтазам хабар олинади.





Тарихий жойларга **1,5 миллион нафар** нуронийларнинг саёҳатлари ташкил этилади.

2026 йилда жами **1,1 млн нафар** аҳоли камбағалликдан чиқариш хизматлари билан қамраб олинади.

Маҳаллаларда **90 мингта** микролойиҳани амалга ошириш ва **180 минг** нафар аҳоли бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

I. Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича белгиланган муҳим амалий тадбирлар

Чуқур ихтисослашган тоифадаги маҳаллалар сони **2 500 тага** етказилади.

Аҳолининг ишсизлик даражаси **4,5 фоизга** туширилади.



Касб-ҳунарга ўқитиш жараёнларида хусусий сектор улуши **40 фоизга** оширилади.



**1 млн** аҳолини доимий ишга жойлаштиришга кўмаклашилади.

**“Ибрат фарзандлари”** лойиҳасини ривожлантириш доирасида “Ibrat academy” мобил иловаси такомиллаштирилиб, **“Ибрат – тиллар оромгоҳи”** лойиҳалари ўтказилади.

IBRAT FARZANDLARI

Халқаро имтиҳон тизимларида юқори балл тўплаган **6 минг** нафар ёшларга имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Истеъдодли ёшлар хорижнинг энг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юборилади.

**"Беш миллион сунъий интеллект етакчилари"** лойиҳаси доирасида **150 минг** нафар ёшлар ўқитилади.

Спорт билан шуғулланишга жалб қилинган аҳоли улуши **32 фоизга** етказилади.



Спорт-таълим муассасаларида мунтазам шуғулланувчи ёшлар сони **570 минг** нафардан оширилади.

Мактабларда спорт билан мунтазам шуғулланувчи ўқувчилар сони **357 минг** нафарга етказилади.

Разрядли ва унвонли спортчилар сони **17 минг нафарга** етказилади.




2028 йилда Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган **XXXIV ёзги Олимпия ва XVIII Паралимпия** ўйинларига Ўзбекистон спортчилари тайёргарлиги ташкил этилади.




5th Asian Para Games
Aichi-Nagoya 2026

2026 йил Аичи ва Нагоя шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган **XX ёзги Осиё ва V Параосиё** ўйинларига Ўзбекистон спортчилари тайёргарлиги ташкил этилади.

DAKAR 2026
YOUTH OLYMPIC GAMES



2026 йил Сенегалда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган **"Дакар-2026"** Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ва миллий терма жамоаларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш чоралари кўрилади.

RESPUBLIKA MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT KENGASHI
RESPUBLIKA MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT MARKAZI

Маданият, маънавият ва маърифат соҳаларини ривожлантириш бўйича Республика жамоатчилик кенгаши фаолияти ташкил этилади.

Оила-маҳалла-боғча-мактаб бўғини учун алоҳида методика ишлаб чиқилиб, шу асосда **“Миллий тарбия модели”** яратилади.

Истеъдодли ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари ўтказилади.



2026 йил май ойида Тошкент шаҳрида **“Мусиқа таълими: жаҳон миқёсида ягона майдон сари”** мавзусида халқаро форум ўтказилади.





Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти атоқли намояндалари – шоир ва мутафаккир **Мавлоно Лутфий** таваллудининг 660 йиллик, жадид драматургиясининг атоқли намояндаси **Абдурауф Фитрат** таваллудининг 140 йиллик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Одил Ёқубов** таваллудининг 100 йиллик, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири **Эркин Воҳидов** таваллудининг 90 йиллик, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири **Абдулла Орипов** ҳамда Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Ўткир Ҳошимов** таваллудларининг 85 йиллик юбилейлари кенг нишонланади.

**“Ёшлик баҳори”** ва **“Олтин куз”** иқтидорли ижодкор ёшлар форумлари ташкил этилади.

Давлат музейларидаги электрон идентификация қилинадиган музей ашёлари ва музей коллекциялари сони **650 минг** донага, музейларга ташриф буюрадиган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқими **5 млн** нафарга оширилади.





**Миллий кинематографияни** кенг тарғиб қилиш ҳамда дунёдаги энг оммабоп интернет платформаларига миллий фильмларни жойлаштириш чоралари кўрилади.

2026 йил давомида жаҳоннинг энг нуфузли **7 та** халқаро кинобозор ва кинофестивалларида **миллий фильмлар** билан иштирок этиш чоралари кўрилади.



# II. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

ЯИМ ўсиш суръати камида **6,6 фоиз даражада** таъминланади.




Товар ва хизматлар бозорида **талаб ва таклиф мувозанати** таъминланади.

**"Ҳудудий тенглик индекси"** жорий этилади ва бюджет маблағлари ушбу индекс асосида тақсимланади.

Машинасозлик, электротехника, кимё ва фармацевтика соҳалари **драйвер тармоқлар сифатида** ривожлантирилади.









Тўқимачилик соҳасида **ип-калавани 100 фоиз қайта ишлаш** таъминланади.









Олтин, мис, уран ва бошқа стратегик ресурслар **захиралари оширилади.**

**Молиялаштириш манбалари** диверсификация қилинади.

**Аҳолининг молиявий саводхонлиги** оширилади, микроқарзлар бозори тартибга солинади.

**Имтиёзли кредитлар** улуши босқичма-босқич камайтирилади.



Қайта тикланувчи энергия манбалари улуши **34,8 фоизга етказилади.**



2026–2030 йилларга мўлжалланган энергия самарадорлиги бўйича **миллий стратегия қабул қилинади.**



Жамоат транспортида **"яшил" транспорт** ривожлантирилади.



Автомобиль транспорти соҳаси **рақамлаштирилади.**





**Ядро тиббиёти маркази** ташкил этилади.

# III. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

Қўшни давлатлар билан **сув ресурсларидан** оқилона ва адолатли фойдаланиш механизмлари шакллантирилади.



Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тегишли **чора-тадбирлар** амалга оширилади.

Сувни етказиб бериш ва тақсимлаш жараёнига **хусусий сектор** жалб этилади.





Тупроқ ўзанли магистраль ва хўжаликлараро каналларда бетон қоплама улуши **42 фоизга** етказилади.



Ичимлик сув истеъмолчилари сув ҳисоблагичлар билан таъминланади.

Суғориладиган ерларда шўрланган майдонлар **1,8 минг** гектаргача камайтирилади.



**33,8 минг гектар** майдон қайта фойдаланишга киритилади ва қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилади.



Насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини камайтириш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилади.



**“Сиз экологияга оид қонунларни биласизми?”** республика кўрик-танлови ўтказилади.



Қайта ишловчи сув тозалаш станциялари қурилади.



Оқова сув сифатини назорат қилиш **миллий стандарти** ишлаб чиқилиб, жорий қилинади.





**500 минг** туп дарахтларни рақамлаштириш орқали уларнинг паспорти яратилади.



Тошкент шаҳрининг **“яшил” мастер режаси** ишлаб чиқилади.



**6 163 гектар** ўрмон фонди ерлари фойдаланишга киритилади.



Ўрмон хўжаликларида **129 миллион** туп ниҳол ва кўчатлар етиштирилади.



**2 800 гектар** майдонда ҳимоя ўрмонларини барпо этилади.



Оролбўйи минтақаси ва бошқа чўл ҳудудларида **250 минг** гектар майдонда “яшил қоплама”лар барпо этилади.



Дарахтларни ноқонуний кесганлик учун **жавобгарлик** кучайтирилади.



Фойдали қазилмаларни қазиб олиш натижасида бузилган ер майдонлари **рекультивация** қилинади.



Республикада сунъий шароитларда сақланаётган ёввойи ҳайвонларнинг яшаш шароитлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги ўрганилади.



Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қисқартириш даражаси **26 фоизга** етказилади.

Санитар тозалаш хизматлари қамровини ошириш учун **80 та** катта ва кичик ҳажмдаги чиқинди ташувчи махсус техника харид қилинади.





Атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори **1,5 фоизга** камайтирилади.



# IV. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР



Ҳар бир маҳалланинг **3D рақамли** модели жорий этилади.

Маҳаллаларда транспорт ҳаракати хавфсизлиги ва ички йўллар сифати таъминланади.



Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги хизматлар ва сервислар сони **880 тага** етказилади.



ЯИДХПда фуқаро номига нечта банк картаси ва нечта сим-карта расмийлаштирилганини фақат ўзи кўриши ҳамда ушбу карталар ёки рақамларни бевосита ЯИДХП орқали ёпиш учун ариза юбориш имкониятини берувчи хизмат йўлга қўйилади.



Танлов асосида “Раҳбар аёллар мактаби”да камида **50 нафар** хотин-қизларнинг бошқарувга оид кўникмалари оширилади.

Онлайн платформа орқали **20 минг** нафардан ортиқ хотин-қизларнинг билимлари ва касбий кўникмалари оширилади.

**“Менинг фикрим”** веб-порталидан фойдаланиш тартиби соддалаштирилади.



**Марказий Осиё фуқаролик жамияти форуми** Самарқанд шаҳрида ташкил этилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича **V Самарқанд Форуми ўтказилади.**

Безорилик ва зўравонлик жиноятлари учун жазо чоралари кучайтирилади.

Адвокатларга ҳимоя остидаги шахслар билан қамоқда сақлаш жойлари, тергов ҳибсхоналари, ахлоқ тузатиш, жазони ижро этиш ва бошқа махсус муассасаларда учрашувлар ўтказиш учун электрон навбат олиш имконияти яратилади.



"Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси" электрон платформасида **30 минг** нафар давлат хизматчиси коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитилади.

# V. “ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ” ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН СИЁСАТНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МУҲИМ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон делегацияси **БМТ Бош Ассамблеяси 81-сессияси** тадбирларида иштирок этади.

**БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси** билан ҳамкорлик янги босқичга олиб чиқилади.

**Нуфузли халқаро ва минтақавий** ташкилотлар (ШҲТ, ТДТ, ИҲТ ва бошқалар) билан истиқболли ҳамкорлик йўналишларида фаол ҳамкорлик давом эттирилади.



Қўшни давлатлар билан **парламент дипломатияси** самарали амалга оширилади.

Марказий Осиё давлатлари билан **аҳил қўшничилик** муносабатлари мустаҳкамланади, **ўзаро манфаатли** амалий ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилади.



Марказий Осиё минтақасида **киберхавфсизликни таъминлаш** бўйича Дастур ишлаб чиқилади.

**Россия** ва **МДҲ** мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари тизимли ривожлантирилади.













**Хитой, Япония, Корея Республикаси** ҳамда **Жанубий-Шарқий Осиё** ва **Осиё – Тинч Океани минтақасининг бошқа давлатлари** билан ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилади.

**АҚШ** ва **Америка қитъаси давлатлари** билан ҳамкорлик алоқалари изчил ривожлантирилади.

**Европа мамлакатлари** ва **Европа Иттифоқи институтлари** билан кенг кўламли шериклик ва амалий ҳамкорлик мустаҳкамланади.

**Араб-мусулмон дунёси, Яқин** ва **Ўрта Шарқ, Жанубий Осиё ҳамда Африка минтақасидаги** етакчи давлатлар билан ўзаро манфаатли муносабатлар давом эттирилади.



Ўзбекистоннинг **Жаҳон савдо ташкилотига** аъзолиги **расмийлаштирилади.**

**Ватандошлар бутунжаҳон қурултойи** ўтказилади.



Хорижий давлатларда **“Алишер Навоий марказлари”** ташкил этилади.



Хусусий бандлик агентликлари ва ихтисослаштирилган марказларнинг **хорижий тил** ва **касб-ҳунарларга** ўқитиш қамрови кенгайтирилади.



**Миграция соҳасида** фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар тўлиқ **рақамлаштирилади.**



**Кибертаҳдидларни** автоматик равишда **аниқлаш** ва олдини олиш имкониятига эга **сунъий интеллектга асосланган хавфсизлик тизимлари** жорий этилади.



Қўшинларни **замонавий тренажёр комплекслари** билан белгиланган тартибда босқичма-босқич таъминланиши давом эттирилади.



**“Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақаси** Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига бағишлаб **халқаро мусобақа** сифатида ўтказилади.

Саноат мақсадларида фойдаланилаётган **портловчи материалларнинг назорати** кучайтирилади.



**“Рақамлашган сейсмик хавфсизлик”** платформаси ишга туширилади.

**30 июль — Халқлар дўстлиги куни** муносабати билан **“Дўстлик”** фестивали ташкил этилади.

Самарқанд шаҳрида **“Биродар шаҳарлар халқаро форуми”** ўтказилади.



Мазкур тўплам “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурида белгиланган энг муҳим чора-тадбирлар билан таништириш мақсадида тайёрланди.


**Ижодий гуруҳ:**

Элдор Туляков

Нилуфар Дониёрходжаева

Жамшид Шарипов

Фаррух Хакимов

Нилуфар Ҳусанбоева

Бунёд Тиллахўжаев

Инобат Хакимова

**Дизайнерлар:**

Музаффар Пўлатов

Зарина Убайдуллаева

**Тошкент - 2026**

"TARAQQIYOT STRATEGIYASI"
MARKAZI

www.strategy.uz   @dsc.uzbekistan   @dsc_uzb   @dscuzbekistan   @dscuzbekistan   Development Strategy Center